

Давлат органлари ва ташкилотлари  
фаолиятида шаффофликни таъминлаш

**кучайтирилади**


**Асос:**

**(ПФ–6247-сон,  
16.06.2021 й.)**





**“Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони**



**ОЧИҚЛИК** – давлат  
органи фаолиятининг  
устувор вазифаси

**ОЧИҚЛИК**  
НИМА УЧУН  
КЕРАК?

**ОЧИҚЛИК**  
НИМА УЧУН  
КЕРАК?

**АВВАЛО, ҲИСОБДОРЛИК УЧУН!**

# ОЧИҚЛИК НИМА УЧУН КЕРАК?



ХАЛҚ ДАВЛАТ ОРГАНИГА ЭМАС, БАЛКИ ДАВЛАТ  
ОРГАНИ ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ УЧУН



## Фармон билан

Барча давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Очик маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхати **(33 та)** тасдиқланди.



Давлат органлари  
ва ташкилотлари ўз  
фаолиятига оид ҳисоботни  
**ҳар йили:**



**1 мартгача**

веб-сайтларига жойлаштириб,

**10 мартгача** уни

жамоатчилик иштирокида

муҳокама этиш ҳақида


хабар беради;

**1 апрелгача** ҳисоботни

кенг жамоатчилик иштирокида

муҳокама этиш учун матбуот

анжуманларини ўтказади.



**2021 йил 1 июлдан** қуйидагилар тўғрисидаги маълумотлар Очиқ маълумотлар порталига ва давлат органлари ва ташкилотлари веб-сайтларига жойлаштирилиб, ҳар чорақда янгилаб борилади:

- амалга оширилган давлат харидлари;
- мансабдор шахсларнинг хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари;

- **Президент, Вазирлар Маҳкамаси** ҳужжатлари билан солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялар;
- ўзларининг йиллик харажатлар сметаси ва унинг ижроси.





Қуйидаги  
**ИМТИҲОНЛАРНИ**  
ўтказиш  
жараёнини  
Интернетда  
жонли эфирга  
узатиш тартиби  
жорий этилади:



- **ОТМнинг бакалавриат ва магистратура имтиҳонлари;**
- **ўқишни кўчириш билан боғлиқ имтиҳонлар;**
- **нострификация тест синовлари.**

2021/2022 ўқув йили қабулигача  
имтиҳонларни Интернетда жонли эфирга  
узатишни таъминлайдиган, барча  
фойдаланувчилар учун очиқ бўлган  
**“imtihon.uz” веб-платформаси**

ишгатуширилади.





**2021 йил 1 сентябргача** Очиқ  
маълумотлар портали давлат  
харидлари бўйича махсус ахборот  
портали билан интеграция қилинади



**2021 йил 1 августгача** Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси расмий веб-сайтида ва Порталда Ов қилиш ва овчилик хўжаликлари тўғрисидаги ахборот базаси ишга туширилади.

Коррупцияга қарши  
курашиш агентлиги  
зиммасига қўшимча  
вазифалар юклатилди.

**Агентлик, жумладан:**



давлат органлари  
ва ташкилотларининг  
маълумотларни  
Интернетга  
жойлаштириш  
мажбуриятлари  
ҳисобини юритади;



Мурожаатлардан келиб чиқувчи давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлиги ва шаффофлигига оид долзарб масалаларни **“Mening fikrim”** **веб-портали** орқали умумхалқ муҳокамасига чиқаради.



**“Давлат сирларини  
сақлаш тўғрисида”ги**

Қонун лойиҳаси  
ишлаб чиқилади.



# 2021 йил 1 декабрдан:

йил якунлари бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индекси

аниқланади;



Қуйидаги тадбирлар телеканаллар, шунингдек,  
Интернет орқали **жонли эфирга узатилади:**  
Қонунчилик палата ва Сенат мажлислари,  
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси,  
халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши  
сессиялари;






**тарафларнинг  
розилиги билан  
айрим  
ҳуқуқбузарликларга  
ва оилавий  
низоларга оид  
фуқаролик суд  
ишлари.**



# “ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ”

2018 йил



**Эътиборингиз учун раҳмат!**